

ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАМЛАКАТИМИЗГА ТАШРИФИ САМАРАЛИ ВА МАЗМУНЛИ БЎЛДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон 29 апрель — 1 май кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлди.

Ташрифнинг учинчи куни олий мартабали меҳмон Бухоро вилоятига келди.

Бухоро халқаро аэропортида Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғонни Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Бухоро вилоятида ушбу ташрифга алоҳида тайёргарлик кўрилди. Кўчалар икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган, ранг-баранг панноларга халқларимиз дўстлиги ва қардошлигини тараннум этувчи сўзлар ёзилган.

Ўзбек ва турк халқлари тарихи асрлар давомида шундай мустақам илдишлар билан боғланганки, уларни бир-биридан айро тасаввур қилиш мушкул. Турк халқи Ўзбекистон заминини муқаддас деб билади ва уни “ота юрт”, деб эъозлайди. Қардош турк халқининг диёримиз ва халқимизга бўлган чексиз меҳри ва ҳурматини англаш, ҳис қилиш учун шунинг ўзи етарли.

Ўзбекистон заминида туғилиб ўсган, жаҳон илм-фани ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк мутафаккирларни Туркияда яхши билишад ва қадрлашад. Бутун мусулмон оламида машҳур алло-

ма, нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ана шундай сиймолардан биридир.

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғон Бухоро вилоятига ташрифини Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилишдан бошлади.

Улуғ аллома руҳи покига Қуръон тиловат қилинди.

Олий мартабали меҳмонга тарикат асосчисининг ҳаёти, ислом дини ривожига қўшган ҳиссаси, мустақиллик йилларида мажмуада амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида маълумот берилди.

Ўтган йили мажмуа ҳудудида Президент ташаббуси билан Мир Араб олий мадрасаси фаолият бошлади. Туркия Президентига Ўзбекистон мусулмонлари идорасига қарашли ушбу мадраса тарихи ва фаолияти ҳақида сўзлаб берилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини тарғиб этиш, илм-фан ва динимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар меросини чуқур ўрганиш бўйича улкан ишлар амалга оши-

рилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази барпо этилмоқда.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон буюк алломаларга бешик бўлган муқаддас замин экани, халқимиз тарихи, бой маънавий меросига ғоят ҳурмат билан қарашини таъкидлади.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғон Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Бухоро шаҳридаги Арк кўргонини томоша қилди.

Азалдан Фарб билан Шарқни боғлаган Буюк Ипак йўлининг муҳим чорраҳасида жойлашган Бухоро бой ва шонли тарихга эга. Ушбу тарих халқимизнинг ўтмишдаги турмуш тарзи, бунёдкорлиги, хорижий давлатлар билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларидан гувоҳлик беради. Арк кўргонида жойлашган вилоят ўлкашунослик музейида намоийш этилаётган минглаб экспонатлар, археологик буюмлар ҳам шу ҳақда ҳикоя қилади.

Икки давлат раҳбарлари мазкур музей фаолияти билан таниш-

ди, бу ердаги ноёб осориатикаларни кўздан кечирди, музей-қўриқхона ҳудудидаги жоме масжидида бўлди.

Кўрғон марказида сақланиб қолган қабулхона — маросимхонада вилоят санъаткорлари томонидан халқлар дўстлигини тараннум этувчи миллий куй-қўшиқлар янгради.

Президентлар Арк кўргони яқинидаги Пойи Калон мажмуасида ҳам бўлдилар.

Бухоро заминининг ҳар қаричи тарих. Қадимий обидалар аждоқларимизнинг буюк яратувчилик даҳоси ва маънавий қудратидан сўзлайди. XII ва XVI асрлар оралигида бунёд этилган Минораи Калон, Масжиди Калон ва Мир Араб мадрасаси ўзининг бетакрор меъморий ечими, маҳобати ва жозибаси билан ҳар қандай кишини мафтун этади.

Минораи Калон архитектуравий ечими бўйича дунёдаги камсонли тарихий обидалардан биридир. У қарийб 900 йил давомида не-не талотўпларга гувоҳ бўлган. Халқимиз қудратининг ўлмас рамзи сифатида бугун ҳам барчани ҳайратга солаётир.

Мир Араб мадрасасида ўтган-

лар хотирасига Қуръон тиловат қилинди.

XVI асрда ташкил этилган Мир Араб мадрасасида фаолият юритаётган ўрта махсус ислом билим юрти ўз вақтида собиқ шўро давлати ҳудудидаги ягона ислом таълим муассасаси бўлган. Ҳозирги пайтда бу ерда ёшларимиз диний ва дунёвий билимларни, хорижий тилларни пухта ўзлаштирмоқда.

Олий мартабали меҳмон Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида зардўзлик, заргарлик, гиламдўзлик, каштачилик, кулолик маҳсулотлари кўргазмаси билан танишди.

Бухоронинг тарихий ва меъморий обидалари, миллий ҳунармандлик маҳсулотлари туркиялик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

Шу билан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг мамлакатимизга давлат ташрифи якунига етди.

Бухоро халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Президентимиз Шавкат Мирзиёев кузатиб қўйди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, Эркин ЁДГОРОВ, ЎЗА махсус мухбирлари.

Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Мудофаа вазирлиги ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Унга мувофиқ, Ёзувчилар уюшмаси юртимизнинг барча ҳудудидаги харбий қисмлар, харбий билим юртлари ва муассасаларида, “Темурбеклар мактаби”да турли учрашувлар, давра суҳбатлари, танловлар, маданий-маърифий кечаларни ташкил этишга қўмаклашади.

● “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорлик қилиб келаётган “Junior Chamber International — JCI” (Корея Республикаси) халқаро ёшлар ташкилоти ҳамда “Сежонг” госпитали мутахассислари Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида туғма юрак нуқсони бўлган 30 нафар болани умумий чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказди.

● Ўзбекистон мудофаасига қўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Наманган вилояти кенгаши томонидан Хотира ва Қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган уч авлод учрашувида Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Сергей Крюков ҳамда Жаббор Содиқов йиғилганларга уруш йиллари фожиалари ҳақидаги хотираларини сўзлаб бердилар. Тадбир якунида уларга миннатдорлик рамзи сифатида совға-саломлар топширилди.

● Деҳқонобод туманида “Миллий қадриятларимиз — бекиёс бойлигимиз” мавзuida ёш бахшилар фестивали бўлиб ўтди. Унда ёш бахшилар ижросида терма ва достонлардан намуналар тингланди.

● Ўзбекистон давлат консерваториясида дами ва зарбли чолғулар ижрочилиги бўйича “Санъат гунчалари” II халқаро танлови бошланди. Танлов доирасида маҳорат сабоқлари, концертлар, қатнашчиларнинг Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги диққатга сазовор масканларга саёхатлари уюштирилиши режалаштирилган.

● Фарғона шахрида доридармон ишлаб чиқаришга иxtисошлаштирилган “Ferghana invicta pharm” масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Бу ерда келгусида йилига 10 миллион дона дори воситалари учун мўлжалланган хом ашё қайта ишланади.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Сенатор мушоҳадаси

Умумий ва муштарак тарих мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда изчиллик касб этмоқда

Туркия Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган мамлакат. Дипломатик алоқаларимиз 1992 йил бошида ўрнатилган. Албатта, бу сиёсий муносабатлар ўз йўлига, бироқ ўзбек ва турк халқининг умумий ҳамда муштарак тарихи, яқин маданияти, урф-одатлари, тили ва динининг бирлиги узоқ ўтмиш силсиласида икки миллат оға-ини бўлиб келганидан далолатдир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар охириг бир ярим йил мобайнида тобора изчиллик касб этиб бормоқда. Бунда икки давлат раҳбарла-

рининг сиёсий иродаси, дўстона муносабатлари муҳим ўрин тутаётир. Айниқса, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25-26 октябрь кун-

лари Туркия Республикасига давлат ташрифи бугунги кунда иқтисодий, савдо-сотик, саннат, банк-молия, инвестиция, туризм, транспорт-логистика, соғлиқни сақлаш, кадрлар тайёрлаш, мудофаа ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорликда ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Шу зайлда Ўзбекистон ва Туркия ўртасида савдо-иқтисодий, маданий, сиёсий ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорлик

алоқаларида янги тарихий саҳифа очилганига бутун халқимиз гувоҳ бўлаётир.

Албатта, Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги икки томон учун ҳам бирдек манфаатлидир. Хусусан, бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган маданий-гуманитар алоқалар ҳам Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



«ҲУКУМАТ СОАТИ»:

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМЛАРИ АМАЛДА

Депутатларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, иқтисодийёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа аҳоли юзасидан олиб борган ўрганишлари ҳамда одамлар муносабатларидан келиб чиқиб, сиёсий партияларнинг қуйи палатадаги фракциялари таклифларига кўра “Ҳукумат соати”га “Республика аҳолисининг тоза ичимлик суви билан таъминланишида ҳамда ичимлик сувини тежамкорлик билан ишлатишда олиб борилаётган ишлар”, шунингдек, “Аҳолини ва тиббиёт муассасаларини арзон ва сифатли дори-дармон воситалари ҳамда тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, айниқса, жойларда ижтимоий дори-хоналарни ташкил этиш ҳолатлари” тўғрисидаги масалалар қиритилди.

Ушбу масалалар юзасидан депутатларга ахборот ва уларнинг саволларига атрофлича жавоб бериш учун Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари мутасадди раҳбарлари таклиф этилди.

Тадбир давомида ҳукумат вакиллари депутатлар томонидан қўйилган масалалар юзасидан маълумотлар бериб, уларнинг саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 12 июлда “Ҳукумат соати” институтини жорий этиш ҳақида ўз тавсияларини берган эди, — дейди эксперт Ихтиёр Беков. — Қонунчилик палатасида “Ҳукумат соати”нинг ўтказилиши Ҳаракатлар

стратегиясида белгиланган жамиятда парламентнинг ролини оширишга қаратилган чоралар, тадбирларнинг амалдаги фодаси ҳисобланади. Тадбирнинг аҳамиятидан келиб чиқиб, унинг самарали ўтганини таъкидлаш лозим. Мазкур институт, биринчидан, ҳукуматнинг парламент билан муносабатлардаги масъулиятини оширс, иккинчидан, жойларда тўпланиб қолган, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

— Таъкидлаш жоиз, “Ҳукумат соати” Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб ўтилган давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш йўналишида ҳам ўзига хос аҳамиятга эга, — дейди эксперт Шохруҳбек Собиров. — Ушбу институт нафақат Олий Мажлиснинг

ижро ҳокимияти устидан парламент назоратини таъминлашда ролини оширишга, балки бўлиб ўтган бугунги тадбирдаги каби сайловчиларни қўйнаётган муаммоларни ҳал этишда муҳим омил бўлади.

Тадбир сўнгига Қонунчилик палатаси қўмиталарига ушбу соҳалардаги амалдаги қонун ишлари қилиш тавсия этилди, шу билан бирга, мазкур йўналишдаги ишлар юзасидан самарали парламент назоратини таъминлашга келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати.

ДУНЁНИГОҲИ



Ўзбекистон — Туркия муносабатлари жаҳон матбуотида кенг ёритилмоқда

Шу кунларда хориж оммавий ахборот воситаларида Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдўғоннинг юртимизга давлат ташрифига доир қатор мақола ва репортажлар эълон қилинмоқда.

Hürriyet

Хусусан, Туркиянинг марказий газеталаридан бири “Hürriyet”да қайд этилишича, ташриф куни Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропорти икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилди. Туркия Республикаси Президенти Ўзбекистон ҳукумати аъзолари кутиб олди.

“Асосий тадбирлар бўлиб ўтган Қўқсарой қароргоҳида Режеп Таййип Эрдўғоннинг шарафига фахрий қоровул саф торди. Ўзбекистон ҳамда Туркия давлат махфиялари янгради. Сўнгра Президентларнинг тор доирадаги музокаралари бошланди”, дея маълум қилади нашр ва бўлиб ўтган учрашуга “очиқ, самимий ҳамда кенг қамровли”, дея тавсиф беради.

“Sabah” газетаси журналистларининг фикрича, ташриф кун тартиби низоҳатда бой ва қизғин бўлиб, Туркия Президентига Ўзбекистонга сафари давомида кўп сонли вазирлар ҳамда ишбилармонлар ҳамроҳлик қилгани бунинг яққол далилидир.

Томонлар барча даражада тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтиришга яқдил ҳамда қатъий ирода билдираётганини таъкидлар экан, газета расмий Тошкентнинг аниқланган ташқи сиёсатини эътироф этди. Мазкур сиёсат нафақат қўшни мамлакатлар билан муносабатларни “...янги саҳифадан бошлашга, балки узоқ хориж давлатлари билан ҳам ҳамкорликни кучайтиришга, товарлар, хизматлар ва фуқароларнинг ўзаро ҳаракатини енгиллаштиришга” имкон бергани таъкидланган.

“Ўзбекистон ҳамда Туркия Стратегик шерикли олий кенгашини тузадилар”, “TRT World” телеканали тарқатган репортаж ана шундай деб номланди.

Ўз навбатида, Япониянинг “NHK” телекомпанияси ушбу механизмга икки давлат раҳбарлари раислик қилишини билдирди. “Президентлар Қўшма баёнот ҳам имзоладилар, мазкур ҳужжат тўлақоғли стратегик ҳамкорликни янги, янада юксак босқичга кўтаришга қаратилган”, дейилади “NHK” репортажиди.

Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти илмий ходими Александр Воробьев “Eurasia Daily” таҳлилий портали учун ёзган мақолада Президент Эрдўғоннинг ташрифи ҳар икки томон учун муҳим аҳамият касб этишини билдирди.

“Ушбу ташриф Тошкентнинг бугун қўшни давлатлар билан алоқаларни олиб бориш сиёсатиға тўла мос келади. Иқтисодий прагматизм, сармояларни жалб қилиш, ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш унинг асосини ташкил этади. Туркия саноат салоҳияти, молиявий ресурслар, қўплаб мамлакатларда бизнес юритиш тажрибасига эга”, деб ёзади эксперт. Мутахассиснинг фикрича, “Москва, Пекин, Брюссель сингари Анкара ҳам Тошкентнинг минтақавий етакчи ва Марказий Осиё иқтисодийёти локомитиви сифатидаги салоҳиятини яхши англайди”.

(Давоми 2-бетда).



«Ота юртимиз, кўз қорачигимиз»

Мамлакатимизга ташрифи давомида Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдўғон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюриб, парламентда амалга оширилаётган ислохотлар билан яқиндан танишди.

ЭҲТИРОМ

Туркия Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдида сўзлаган нутқида Ўзбек ҳамда турк халқларининг дўстлиги азалий эканлигига эътибор қаратди. Икки мамлакат ўртасида маданият ва тарих, қардошлик алоқалари ўтган асрнинг йигирманчи йиллари бошида Анадулида турк аскарларининг босқинчилар

устидан ғалабасини таъминлашда муҳим аҳамият касб этганини фахр билан тилга олган Туркия Президенти XX асрнинг буюк шоири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг Анадулидаги воқеалар муносабати билан турк аскарларини шарафлаб битган “Туфон” шеърдан ҳароратли сатрларни ўқиб берди.

(Давоми 2-бетда).



Умумий ва муштарак тарих

мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда изчиллик касб этмоқда

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Турк санъат усталарининг Самарқандда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусика фестивалида мунтазам қатнашиши, Туркия давлат телерадиокомпанияси (TRT) Ўзбекистонда ўтказиладиган расмий тантаналарни хорижий мамлакатларга ретрансляция қилиши анъанага айланди. Соғлиқни сақлаш ва тиббий таълим соҳаларида, етакчи тадқиқот марказлари ўртасида тажриба алмашиши ҳамда профессионал кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг парламентлараро муносабатлари ҳам тобора ривожланиб, Ўзбекистон — Туркия ўртасидаги дўстона муносабатларни янги босқичга кўтаришда алоҳида ўрин тутаётгани барчамизни мамнун қилади.

Амалга оширилаётган истиқболли режалар асосида халқимизнинг турмуш фаровонлиги, эртанги кунга бўлган ишончи кундан-кун ошиб бормоқда.

Туркия раҳбарининг 29 апрель — 1 май кунлари мамлакатимизга давлат таширифи билан келгани юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида яна бир муҳим воқеа бўлди. Ташриф давомида Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигининг ҳуқуқий

асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатларимиз ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, савдо-саноқ, транспорт-логистика, саноат, илм-фан, таълим, туризм ҳамда бошқа соҳаларга доир 24 хужжат имзолангани унинг нақадар самарали кечганидан далолатлидир. Бу ҳужжатлар ўзаро ишонч, ҳурмат, манфаатли шерикликка асосланган муносабатларимизга янгича мазмун бахш этиши шубҳасиз.

Айниқса, олий мартабали меҳмоннинг биз, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдига сўзлаган нутқи барчамизда катта таассурот қолдирди. Туркия давлати раҳбарининг минбардан туриб, халқимизнинг буюк тарихи, маданияти ҳақида билдирган самимий дил изҳорлари, аввало, кадрятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизнинг нақадар яқин эканидан далолат беради. Бу яқинлик эса, ушбу қардош халқ билан ҳамжиҳатликда ривожланиш, ўзаро бордин-кеддини кўпайтириш, қисқача айтганда, тараққиёт сари биргаликда юз тутишда халқ қилувчи омил бўлади.

Гавҳар АЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.

Ўзбекистон — Туркия муносабатлари жаҳон матбуотида кенг ёритилмоқда

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Мазкур фикрни қўллаб-қувватлаган ҳолда, **америкалик мутахассис Самуэль Рамани “The Diplomat” таҳлилий журналида** бизнес юритиш нуқтаи назаридан Ўзбекистон

THE DIPLOMAT
Read The Diplomat, Know the Asia-Pacific

турк ишбилармонлари учун ўта қизиқарли ҳамда истиқболли йўналиш эканлигини қайд этди. Сўнгги йилларда қўллаб турк компаниялари Ўзбекистон бозорига келиб, бу ерда ўз фаолиятини йўлга қўйди.

“2017 йилнинг ўзида, — дея таъкидлайди таҳлилчи, — товар айирбошлаш ҳажми 30 фоиз ортиб, 1,5 миллиард АҚШ долларига етди. Томонлар яқин келажақда ушбу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказишни мақсад қилганлар. Туркия ва Ўзбекистоннинг саноатининг ҳисобга олганда, бунга эришиш унчалик узоқ вақт талаб этмайди”.

Жанубий Кореянинг “The Korea Times” газетаси “Музокаралар якуни бўйича икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ҳамда идоралари 24 та хужжат имзолади”, дея хабар берди. Ушбу ҳужжатлар савдо, транспорт, саноат, илм-фан, таълим, туризм соҳаларида алоқаларни ривожлантиришга қаратилган. Ташриф давомида бўлиб ўтган бизнес форуми эса умумий қиймати 3 миллиард дол-

한국일보
THE KOREA TIMES

ларга тенг 50 га яқин сармовий лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришиш учун имконият яратди.

“Савдо-иқтисодий ҳамкорлик мавзуи Сеулда бўлиб ўтадиган музокараларда давом эттирилади. Тошкентдан сўнг Президент Эрдуғон Жанубий Кореяга ташриф буюрмоқда”, дея маълум қилади “The Korea Times”.

Анвор МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи»)
тайёрлади.

120 кишининг бандлиги таъминланди



Давлатимиз раҳбари ўтган йили 2-3 июнь кунлари Андижон вилоятига ташрифи чоғида ҳудудда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ишларни салбий баҳолаб, муаммоларни бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар берган эди. Орадан ўтган вақт мобайнида вилоятда бир қанча ишлар амалга оширилди.

Интилиш

Олтинқўл туманининг Жалабек қишлоғида барпо этилган “Gold Grand pharma” масъулияти чекланган жамиятининг фойдаланишга топширилиши мана шу йўналишдаги сый-ҳаракатларга бир мисолдир.

— 2017 йилнинг май ойида ер майдони олган эдик, —

дейди корхона директори Рустамбек Хайдаров.— Шу қоқчақа қурилиш ва монтаж ишлари олиб борилди. Қўшимча бинолар ҳам қураялмиш. Йил охирига қадар янги бинода шприц, система каби тиббий анжомлар тайёрлаш йўлга қўйилади.

1 миллион 200 минг АҚШ доллари ва 7 миллиард 200 миллион сўм миқдордаги маблағ йўналтирилган ушбу корхона йилига 33 миллион донга тиббиёт қўлқоплари ишлаб чиқариш қувватига эга. 120 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада йил охирига бориб жамоа

Ўзбекистон — Туркия:

Ўзаро алоқаларнинг янги уфқлари

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдуғон Ўзбекистонга давлат таширифи доирасида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлди. Олий мартабали меҳмон депутатлар ва сенаторлар олдига нутқ сўзлаб, икки мамлакат ўртасидаги алоқалар, парламентлараро муносабатлар, манфаатли ҳамкорлик истиқболлари хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди. Мухбиримиз мазкур ташрифнинг аҳамияти ҳақида парламент қўйи палатаси депутатлари фикрлари билан қизикди.

ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Абдурахим ҚУРБОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бугунги кунда Ўзбекистон ҳамда Туркия раҳбарлари ўртасидаги дўстона алоқалар, мунтазамлик касб этаётган учрашувлар, самимий мулоқотлар ўзаро ҳамкорлик ривожига катта туртки бермоқда. Чунончи, ўтган даврда икки томонлама амалга оширилган давлат ташрифлари Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, туризм, илм-фан ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Туркия Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги нутқида турк халқи Ўзбекистонни ота юрти, Ўзбекистон халқини қардош халқ, Ўзбекистон Республикасини қардош давлат сифатида қўришини таъкидлаб, бу юртда етишиб чиққан Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий, Баҳауддин Нақшбанд, Ҳаким Термизий каби буюк алломаларнинг илмий мероси ҳозирги вақтда ҳам жаҳон илм дунёсида маёқ бўлиб нур таратаётганини алоҳида эътироф этди.

Айтиш жоизки, жаҳон сайёҳлик соҳасида 6-ўринни эгаллаган Туркия бир йилда 36 миллион сайёҳни қабул қилади ва бундан 34 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад кўради. Мамлакатда бу борада барча зарур шарт-шароит яратилган. Мисол учун, Ўзбекистон фуқаролари учун 2007 йилдан буён Туркияга визасиз кириш тартиби жорий қилинган. Ўз навбатида, Туркия раҳбари Президентимиз Шавкат

Мирзиёевнинг Фармони билан турк фуқаролари учун визасиз режим татбиқ этилганини мамнуният билан таъкидлади. Албатта, бу ҳам тадбиркорлар, ҳам сайёҳлар, қолаверса, туризм соҳасида иш юритувчи малакали мутахассисларнинг Ўзбекистонга келишини оsonлаштиради.

Жамшид ПИРМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Бугунги кунда Ўзбекистон Туркия билан тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатларга асосланган савдо-иқтисодий ҳамда инвестицион-молиявий муносабатларга таянган стратегик ҳамкорликни янада тараққий топтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Албатта, бу сый-ҳаракатлар парламентлараро муносабатларда ҳам яқол акс этаётгани диққатга сазовордир.

Айни пайтда Олий Мажлисида чет давлатларнинг парламентлари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида 23 та дўстлик гуруҳи ва комиссия фаолият юритмоқда. Улар орасида “Ўзбекистон — Туркия” парламентлараро дўстлик гуруҳи борлиги икки давлат манфаатларини илгари суришда муҳим ўрин тутаётир. Айтиш мумкинки, Туркия раҳбарининг парламент аъзолари олдига сўзлаган нутқи Олий Мажлис билан Буюк миллат мажлиси ўртасидаги алоқаларни ўзаро тажриба ҳамда аҳборот алмашиш асосида ривожлантиришда янада катта имкониятлар эшигини очади, десак, асло муболаға бўлмайди.

Туркия Президенти ўз нутқида ўтган ойда Тошкентда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш бўйича ўтказилган конферен-

цияга юқори баҳо бериб, халқаро тинчликнинг ўрнатилишида, минтақавий тараққиётда ва ислом цивилизациясининг тўла ҳамда аниқ тушунтирилишида Ўзбекистон муҳим ўрин тутаётганига тўхталди. Айни чоғда Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўшни давлатлар билан муаммоларни ечиш ва яқин ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги сый-ҳаракатларини юксак эътироф этди.

Албатта, бу тинчликпарвар мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг нечоғли ҳаётий, оқилона ҳамда адолатли эканини тасдиқлайди.

Шухрат ЯКУБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:

— Туркия Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги нутқида, аввало, Ўзбекистонда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган шиддатли ислохотларга ўз муносабатини билдирди. Аниқ стратегик мақсадлар асосида жамият ҳаётининг барча жабҳасини демократлаштириш орқали одамларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаётган эзгу сый-ҳаракатлар ҳозирданок ўз натижасини кўрсата бошлаганини эътироф этди.

Президент икки мамлакат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,5 миллиард АҚШ долларига етгани, мазкур икки давлат имкониятлари ва саноатини олдига жуда камлигини қайд этди. Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасида имзоланган 20 дан ортиқ шартномалар асосида бу кўрсаткич тез фурсатларда 5 миллиард АҚШ долларига етишини таъкидлади.

Маърузада мамлакатларимиз ҳамкорлигининг тарихи, бугунги ва келажак акс этди, дейиш мумкин. Олий мартабали меҳмон ўзбек халқига Яратгандан тинчлик ва омонлик, юртимизда олиб борилаётган ислохотларга ривож тилади. Парламентлараро алоқалар изчиллик касб этишини, бу орқали икки қардош халқ жипслигини, шунингдек, стратегик ҳамкор мамлакатлар тараққиётини қўриш истagini билдирди.

Зиёда АШУРОВА ёзиб олди.

«Ота юртимиз, кўз қорачигимиз»

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Сарлавҳаси остида “Анадўли қишлоғининг музаффар ўрдаларига” дея бағишлов ҳам битиб қўйилган мазкур шеър шундай сатрлар билан бошланади:

*Эй Инону, эй Сақария, эй истиқлол эрлари,
Миллий Мисақ олинганча тўхталмасдан илгари!*

Қардош турк халқининг “жаннат каби тупроғи” ёвларнинг оёқлари остида, товуши “инсофсизча шовқинларнинг, ҳурушларнинг пастида” эканидан изтироб чеккан шоир ўзларини маданиятга санагани билан аслида жаллоддан фарқи бўлмаган босқинчиларнинг тамағирлиқларини, “озодлик” деб шовқин қилган, бақирган” бўриларнинг оч кўзлари олтин тўла ерларда эканини шафқатсиз сатрларда очиб ташлайди. Чўлпон шу тариқа ўз юртини ҳам босиб, талаб турган босқинчиларнинг хатти-ҳаракатларига ҳам ишора қилади.

*Биламиз, ким унлар сизни яшамоққа қўймайлар,
Биламиз, ким қонингизни томчи-томчи ичалар,
Биламиз, ким унлар сира ювюш халқни севмайлар,
Биламиз, ким тупроқ учун инсонлиқдан кечалар.*

Ўзбек адабиёти тарихида “халқни ўйотган шоир” сифатида муносиб ўрин тутган Чўлпоннинг ушбу шеъридаги ватанпарварлик руҳи қардош турк халқининг қалбига салкам бир асрдан буён чўғ солиб келаётгани сабаблари халқларимиз ўртасидаги азалий қавму қариндошлик илдиэлари

мустаҳкамлиги билан боғлиқ эканини эътироф этган Режеп Таййип Эрдуғоннинг “Ота юртимиз, кўз қорачигимиз” деган сўзлари замирида ҳам азиз Ватанимиз Ўзбекистондан миннатдорлик туйғулари муҳассамдир! Зеро, бу икки қардош халқ асрлар давомида мустамакчилик ҳамда босқинчилик қишанларини парчалаб, ўз қисмати, эркин ҳаёти йўлида курашиб келганини Чўлпон “Туфон” шеърида ҳам қалбларни титроққа солар даражада ҳаяжонли ифодадай олганини бугун Туркия Президенти эътироф этиб тургани буюк шоирнинг “Адабиёт яшаса, миллат яшар” деган сўзларининг тасдиғи каби янгради.

*Биламиз, ким сиз йўқсулар сўнг чоғда
Шундай ёмон душманларнинг қўлида
Мангу асир, мангу тутқун бўлишни
Истамасдан қўлга яроғ олдингиз.*

*Биламиз, ким қатор-қатор қишлоқлар
Синасига нон тўлдирган тупроқлар,
Ўт ичинда, шунинг учун ўлишни
Ортиқ кўруб, жонни ўтқа солдингиз.
Жонни қонга — ўтқа, ўтқа солдингиз.
Фақат бу кун тотли бир ўч олдингиз,
Яна бир кўр тарихларда қолдингиз!*

*Эй истиқлол, эй Сақария, эй Инону эрлари,
Юр, мазлумлар туфонининг ўч олғучи селлари!*

Шойим БЎТАЕВ
(«Халқ сўзи»)
тайёрлади.

Худойберганга бахт кулиб боқди

Янгийўл шаҳридаги 4-умумтаълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Худойберган Азизова чинакам бахт кулиб боқди. Онаси билан ижарада яшаб келаётган бу бола Президентимиз Шавкат Мирзиёевга мактуб йўллаб, ўз оиласидаги шароитини батафсил ёзиб юборган эди.

ҒАМХЎРЛИК

Унинг илтимоси билан онаси Саодат Азизова номига 2 хонали уй ажратилди. “Рамадон” МФЙнинг бир гуруҳ фаоллари Лаззат қўчасидаги 6-уй, 4-хонадонга бориб, янги кўчиб келган оила аъзоларини табриқлашди.

— Янги маҳалладошимиз Саодатхоннинг қувончи чексиз, — дейди маҳалла раиси Холисхон Эгамбердиева. — Юртошимизни барчамиз чин юракдан дуо қилдик. Ахир Навоий айтганидек, кемтик кўнглини кўтариш Қайбани обод қилиш билан баробардир.

Худойберган Азизов энди янада аъло баҳоларга ўқиб, жамиятимизга муносиб фарзанд бўлиб тарбияланиши учун барча имкониятга эга.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
(«Халқ сўзи»)
мухбири.

Эътироф

«Ўзбекистоннинг истиқболи буюк бўлиши муқаррар»

Боқудамиз. Бу ерда меҳмон сифатида ўзимизни асло бегона ҳис қилмаялмиш. Зотан, озарлар жуда самимий ва бағрикенг. Кўчаларда, истироҳат боғларида, бозорларда ким билан суҳбатлашмайлик, меҳмонлигингизни билиб қолишса: “Хуш галдинг, қўнагим” деб, ўзларининг юмушларини қолдириб бўлса ҳам, мулоқотга киришиб кетишади. Улар, айниқса, Ўзбекистон ҳақида гапирсангиз, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Фарғонани жуда яхши билишлари, имкон туғилди дегунча юртимизга келишни орзу қилишлари туғрисида кўп айтишади.

Боку шаҳрида жойлашган Матбуот консулида бир тадбир сабаб Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси депутати Хикмат Бобойўғли билан мулоқотда бўлдик. Аниқроғи, у бизнинг Тошкентдан келганимизни англаган: “Оҳ, Ўзбекистон чўх гўзал дияр” дея лутф қилди ҳамда шундай фикрларни билдирди:

— Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги дўстона муносабатлар чуқур илдизга эга. Биз этник келиб чиқишимиз, феъл-атворимиз, маданиятимиз, санъатимиз билан илдизи туташган халқларимиз. Бобокалонларимиз азал-азалдан бир-бирини қўллаб-қувватлаб келишган. Қадимдан боғланган дўстлик ришталари бугун бутунлай янгича руҳ ҳамда мазмунда давом этмоқда.

Мен ўтган йилнинг кузида Ўзбекистонда бўлдим. Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларингизни айланиб, ҳайратим ошди. Буюк Амир Темур руҳи кезиб юргандек туюлди. Улуғбек расадхонасидаги сир-асрор, Шоҳи Зинда мажмуасидаги сўз билан таърифлаш мумкин бўлмаган сукунат, Имом Бухорий зиёратгоҳидаги фойиз, умуман, афсонавий Самарқанднинг маҳаббатю салобати руҳиятимга қаттиқ таъсир қилди. Ҳар қадамда азиз авлиёлари, улуғлар бор бундай дёйрнинг одамларига ҳавасим келди.

Сафар давомида маҳаллий аҳоли билан жуда кўп суҳбатда бўлдим. Улар ҳоқ оддий деҳқон ёки муаллим ёхуд тадбиркорми, шифокорми — барча-барчаси Президент Шавкат Мирзиёев ҳақида тўлқинларни, ғафр билан гапиршарди. Уларнинг самимий ҳамда меҳр-мухаббатга тўла сўзлари мени ром этди.

Халқнинг ўз раҳбарига бўлган бундай эътиромим



бежиз эмас. Президентингиз дадил, шиддаткор ислохотлари билан нафақат ўз халқи, балки бошқа миллатлар, жумладан, биз, озарларнинг ҳам меҳримизни қозongan. Бир гап айтгай: ноутбукимда Президент Шавкат Мирзиёев мамлакат парламентига йўллаган Мурожаатноманинг видеоёзуви бор. Унда оддий одамлар ҳаётини ўйлаш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиб бериш, энг муҳими, жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга асосий ургу қаратилгани парламент аъзоси, ёзувчи, муҳаррир сифатида менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, “Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган олижаноб ғоя диққатга сазовор.

Ўз хатти-ҳаракати орқали бошқаларга ўрнак бўлаётган Шавкат Мирзиёев амалий самаралар, ҳаётбахш ислохотлари билан одамларнинг дилини забт этди. Юксак меҳр-мухаббатга сазовор бўлди. Шу маънода, тарихи шонли Ўзбекистоннинг истиқболи ҳам буюк бўлиши муқаррар.

«Халқ сўзи» махсус мухбири
Мақсуд ЖОНИХОНОВ
ёзиб олди.
Боку, Озарбайжон Республикаси.

Тажриба алмашишнинг фойдаси кўп

Тошкент шаҳрида “Ўзбекистонда гўшт ва сүт ишлаб чиқариш истиқболлари: эришилган ютуқ ва мавжуд муаммолар” мавзусида халқаро илмий-амалий ўқув семинари бўлиб ўтди.

ҲАМКОРЛИК

Акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан республика “Насл-хизмат” уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Германия, Голландия ҳамда Украинанинг чорвачилик соҳасидаги етакчи компаниялари мутахассислари томонидан Тошкент ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритаётган чорвачиликка ихтисослаштирилган субъектлар вакиллари учун маърузалар қилиниб, ўзаро фикр алмашилди.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбари вилоятларга ташрифлари давомида чорвачилик соҳасини илмий асосда ташкил этиш, хўжаликларда наслчилик ишларини тўғри йўлга қўйиш, маҳсулдорликни ошириш, шунингдек, банклар томонидан тармок ривожини ажратилган кредитларнинг келгусида қайтарилиши масаласининг муаммога айланишини олдини олиш мақсадида мутасаддилар олдиға ривожланган давлатлардан олим ҳамда мутахассисларни жалб этиш вазибаларини қўймоқда. Жумладан, ушбу йўналишда илмий-амалий ўқув семинарлари уюштириш, соҳадagi ишларни мувофиқлаштириш ҳамда мониторингини олиб бориш вазифаси Халқ банки зиммасига юклатилган.

— Юртингизда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари қаторида чорвачиликка ҳам катта эътибор қаратилмоқда, — дейди Голландиянинг

диянинг “Trouw Nutrition” компанияси вакили Артур Свирид. — Қишлоқ мулкдорларининг ўз ишига масъулияти ва иштиёқи баянда. Шу босис ўқув семинари давомида ҳам нечта йўналишларда машғулотлар ўтказилди. Бундай учрашувлар фермерларнинг билим ҳамда қўнимчаларини ошириш баробарида, ҳамкорликни ҳам ривожлантиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, банк томонидан охириги икки йил мобайнида қишлоқ хўжалигининг муҳим бўғини саналган ушбу тармокни ривожлантириш мақсадида Россия, Украина, Европа давлатларидан 20 минг 254 бош наслили қорамол ва 3 минг 632 бош эчки олиб келиш учун 241,5 миллиард сўм миқдорида маблағлар йўналтирилди. Пировардида 4500 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

Семинарда қатнашаётган фермер хўжаликлари чорвачилик соҳасидаги сўнгги маълумотларни ўзлаштириб, ўзларини қизиктирган саволларга жавоб олишмоқда. Албатта, бу уларнинг келгусидаги иш фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Ўқув семинарлари, шунингдек, Самарқанд, Хоразм ҳамда Андижон вилоятларида ҳам бўлиб ўтади. Уларда республикаимизнинг барча ҳудудидан фермерлар ва тадбиркорлар иштирок этиши кўзда тутилган.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
(«Халқ сўзи»)
мухбири.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

Дўстлик, биродарлик ҳақида сўз кетса, Иккинчи жаҳон урушининг суруни йиллари ёдимга тушади. Мен унга салкам ўн тўққиз ёшим-да Украина тупроғида рўбарў келганман. 1944 йил оғир араланиб, ортга қайтгунча, уч йил турли миллат ва элат вакиллари билан жангтоҳларда жон олиб, жон бердик.

У кунлар ҳеч кимнинг бошига тушмасин

Тилимиз, динимиз турли-ча бўлса-да, ягона мақсад бизни ўз атрофига бирлаш-тирган эди. Кейинчалик ҳам ўша дўстларим билан узоқ йиллар хат-хабар алмашиб турдик.

Ҳеч қачон эсимдан чиқ-майди: 1944 йили мина пар-часи чап билагимнинг ярми-ни юлиб кетди. Кўп қон йўқотдим, дала госпитали жойлашган қишлоқ аҳолиси катта инсонийлик кўрсатиб, менга қон беришди. То оёққа тургунимча ҳолимдан хабар олишди...

Фрондан қайтиб, она-қишлоғимда эллик йил бо-лаларга тарих фанидан дарс бердим. Олис ўлкаларга фронт орти ёрдамини жўнатган юртдошларимиз матонати, ўзи тўйиб емай, бир тийшам нонини жанг майдонларидагилар билан баҳам кўрган халқимиз жа-сорати ҳақида ёшларга кўп бор ҳикоя қилганман. Жум-

ладан, 14 нафар турли мил-лат вакилларидан иборат гўдакларни ўз бағрига олган Шоаҳмад Шомаҳмудовлар оиласини мисол қилиб кел-тирганман. Улар шарафига пойтахтимиз марказида тик-ланган ҳайкал ва ушбу май-доннинг “Халқлар дўстлиги” деб аталишини эзгуликка азалий эҳтиром тимсоли, дея таърифлардим.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур ҳайкални ўз ўрнига қайтариш ҳамда метро бе-кати ва санъат саройининг дастлабки номини тиклаш тўғрисидаги топириқлари-ни биз, уруш фахрийлари катта мамнуният билан қабул қилдик. Зеро, дўстлик ва биродарлик Ер юзини фағизим деган бало чанга-лидан озод қилган эди.

Турсункул ЭРАГШЕВ,
Иккинчи жаҳон уруши қатношчиси.
Нурота тумани

Шарқ

Аутсорсинг бозори

тадбиркорлик ҳаракати ривожида муҳим ўрин тутади

Ҳозирги кунда тадбиркорлик ҳаракати ривожига бўлган эътибор ҳар қачонгидан-да кучайди. Бинобарин, ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилаш, кичик бизнесни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳа вакилларига қўшимча имтиёзлар бериш, тадбиркорлар фаолиятига давлат органлари аралашувини кескин қисқартириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш давлат органларининг биринчи даражадаги вазифасига айланган.

Бизнес юритиш учун яратиб берилаётган бундай шарт-шароитлар, ўз навбатида, ишби-лармонлардан фаолиятига бозор муносабатлари нуктаи назаридан ёндашишни, замонавий усуллар-дан фойдаланишни талаб этмоқ-да. Хусусан, бошқарув тизимига маркетинг, логистика ҳамда менежмент ютуқларини қўллана-тақозо қилади. Логистик аутсор-синг бошқарув тизими улар орасида энг муҳими ҳисобланади.

Ҳўш, у қандай тизим? Афзал-ликлари нимада?

Аутсорсинг инглизча сўз бўлиб, “out” “ташқарида”, “sourcing” эса “манба” маъносини англатиб, икки хил йўналиш боғланишини билди-ради. Яъни бирор корхона маълум бир функционал жараёнини бошқа ташкилотларга “ошириш”ини на-зарда тутади. Содда қилиб айтган-да, аутсорсинг ташқи ресурслар, жумладан, интеллектуал мулк, ишчи кучи, ишлаб чиқариш воси-талари ҳамда техника-технология-лардан самарали фойдаланиш, де-гандир. Масалан, бухгалтерия, персонални танлаш ва жойлашти-риш, техник хизмат кўрсатиш каби

корхонанинг асосий соҳасидан узоқ бўлган функцияларни шунга ихтисослаштирилган компанияга бериш мумкин.

Тўғри, аутсорсинг бозори Ўзе-бестонда нисбатан янги тармоқ бўлиб, секин-аста шевжланиб ке-ляпти. Айрим ҳолларда етарли тажриба йўқлиги боис қутилган иқтисодий самара бермаганлиги ҳам бор гап. Лекин бундан салбий ҳулоса чиқаришга шовшилмаслик зарур. Унинг асосий вазифаси тор соҳа ёки бевосита корхона фао-лиятига қирмайдиган функциялар ижросига йўналтирилса, сарф-ха-ражатларни кескин камайтиради.

Стратегик вазифаларни амалга ошириш нуктаи назаридан эса ишлаб чиқаришга янги технология-ларни татбиқ этишни осонлашти-риб, ресурслардан оқилона фой-даланиш имкониятини кенгайтира-ди. Чунки технологик жиҳатдан корхона шатида тор доирадаги айрим мутахассислар бўлиши шарт эмас. Уларни аутсорсинг дастури асосида ихтисослаштирилган ком-паниялардан жалб қилиш мумкин.

Гап шундаки, таҳлиллар логис-тика соҳасида аутсорсинг қўлла-

нилиши меҳнат унумдорлиги ўсиши, материал сарфи камайи-ши, фонд самараси ошишига кенг йўл очилини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам хорижий фирма ва корхоналар логистик аутсорсинг бозорида юқори самарадорликка эришиш учун замонавий техника ва технологияларни жалб этишдан ташқари, махсулот сифатини оши-риш ҳамда уни реклама қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунинг учун махсус шiorларни илгари суришадди. Масалан, “Барчанинг яхши ҳаёти, яхши дунё учун” ибораси Япониянинг “Омрон” фирмаси, “Дунёнинг ҳар бир бурчагида 48 соат хизмат кўрса-тиш” Американинг “Катерпиллер” компанияси, “Яхши баҳодаги нарх” “Reebok” фирмаси шиорига айланган.

Логистик аутсорсинг бозорида-ги конъюнктура аъаналарига эътибор бериладиган бўлса, фаолиятни “ўртада” олиб боришга бўлган талаб юқорилигича қолмоқ-да. Демак, тайёр махсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар маркетинг хизмати ходимлари ва менежер-ларининг биринчи галдаги вазифа-

си бозор конъюнктурасига тезкор жавоб қораларини ишлаб чиқиш, яъни мавжуд техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойда-ланиб, истеъмолчиларнинг рақо-батдош тайёр махсулотларга бўл-ган талабларини тўлароқ қонди-ришдан иборат бўлмоғи даркор.

Шу маънода, ҳозирги пайтда халқ истеъмоли молларига ички эҳтиёжни тўлиқ қондириш учун на-фақат ишлаб чиқариш ширматини ошириш, балки махсулот сифатини яхшилаш зарур. Бунинг учун эса корхоналар бошқариш тузилмаси-ни такомиллаштириш, иш вақти, ишчи кучи ва ресурслардан оқило-на фойдаланиш талаб этилади.

Иқтисодиётда ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш дол-зарблик аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди. Айниқса, кучли рақо-бат шaroитида бу янада кескин-лашади. Чунки ишлаб чиқариш самарадорлигини оширмасдан туриб, рақобат курашини енгиб чи-

қиш амримаҳолдир. Ушбу жараён-да ҳам логистик аутсорсинг энг яқин кўмакчига айланади.

Чиндан ҳам, жамиятнинг ижти-моий, иқтисодий юксалишида ло-гистик аутсорсинг мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Бозор муно-сабатлари шaroитида ишлаб чиқа-ришининг асосий мақсади даромад кўришга қаратилган экан, ҳар бир иқтисодий субъект кўпроқ соф фой-да олишга интилади. Бунга ташки-лий, ижтимоий, бозор муҳити омил-лари таъсир кўрсатмай қолмайди, албатта. Улар орасидан нисбатан янги бўлган бозор муҳити омил-и юртимизда иқтисодий исохлотлар-ни чуқурлаштиришининг ҳозирги босқичи ва келажак тараққиёти жараёнида, айниқса, муҳим роль ўйнайди. Негаки, у махсулотларга нисбатан шаклланадиган талаб ва тақлифатига эмас, балки корхо-нанинг молиявий натижалари шакл-ланишига ҳам ўзининг ижобий ёки салбий таъсирини ўтказади.

Аброр КУЧАРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори.

Қисқача айтганда, интеграция тобора кучайиб бораётган бугун-ги бозор иқтисодиёти шaroитида аутсорсинг фаолиятига эҳтиёж ҳам ортаверади. Зеро, унинг асосий мақсади амалиётга илм-фан ва техника тараққиёти ютуқларини ҳамкорликда татбиқ қилиш орқали меҳнат унумдорлиги ҳамда иқтисодий самарадорликка эришиш-дир. Бу, ўз навбатида, тадбиркорлик ҳаракати ривожида янги шиддатли тўлқин ҳосил қилиб, ички ва ташқи бозорга рақобатдош махсулотлар етказиб бериш ҳажми кескин ортишига кенг йўл очиб беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН КАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 17 МАРТДАН 24 МАРТГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 5 декабрдаги 33, 24-2017-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида резервдаги ва захирадаги офицерларни тайёрлаш дастури-лари бўйича ўқитиш учун талабаларни сара-лаш танловини ўтказиш тартиби тўғрисида-ги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2984 (2018 йил 17 мартдан қучга кирди).

2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 28 февралдаги 8-қ/к, 47-сон “Йиллик меҳнат тазливи вақтида сақланиб қолинадиган ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2985 (2018 йил 17 мартдан қучга кирди).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазир-лиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги 39, 2018-22-сон “Солиқ тўловчи-ларга ноль даражали ставкани қўллаш нати-жасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат соли-гининг оптиқча суммасини солиқ тўловчининг банкидаги ҳисобаварагига қайтариш тартиби тўғрисидаги низомага ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2775-1 (2018 йил 17 мартдан қучга кирди).

4. Ўзбекистон Республикаси Хусусий-лаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 9 мартдаги 01/10-10/13-сон “Корхона (объект)ларни сотишдан олдин тайёрлаш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарор,

шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1628-2 (2018 йил 17 мартдан қучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Хусусий-лаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 9 мартдаги 01/19-10/17-сон “Ўзбекистон Республикаси-нинг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (12-сон МБМС) “Солиқ солиш мақсадида ялли баҳолаш усуллари билан кўмас мулк қийматини баҳолаш”ни тасдиқлаш тўғриси-да”ги қарор, шунингдек унга ўзгаришлар ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2359-2 (2018 йил 17 мартдан қучга кирди).

6. Ўзбекистон Республикаси молия вази-рининг 2018 йил 14 мартдаги 61-сон “Немис молия институтларининг тижорат ва нотижо-рат кредитлари бўйича қарз маблағларини ажратиш, хизмат кўрсатиш ва қайтариш тартибининг ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги бўйруғи.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 226-1 (2018 йил 17 мартдан қучга кирди).

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончилиқда ва коммунал-маиший секторда иш-ларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 19 февралдаги 17, 13-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича портловчи ма-териалларни темир йўл транспортида ташши қондаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорга ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1493-1 (2018 йил 18 мартдан қучга кирди).

10. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўми-таси, Ички ишлар вазирлигининг 2018 йил 19 февралдаги 11, 46-сон “Каровсиз қолган ҳайвонларни отиб ташлаш тартиби тўғриси-даги йўриқномага ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2368-2 (2018 йил 18 мартдан қучга кирди).

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1491-1 (2018 йил 18 мартдан қучга кирди).

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қазрини геологик ўрганиш, саноатда, қончилиқда ва коммунал-маиший секторда иш-ларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекциясининг 2018 йил 19 февралдаги 17, 13-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича портловчи ма-териалларни темир йўл транспортида ташши қондаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорга ўзгаришлар киритиш ҳақида”ги қарори.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169-2 (2018 йил 18 мартдан қучга кирди).

13. Ўзбекистон Республикаси молия вази-рининг 2018 йил 1 мартдаги 46-сон “Бюджет ташкилотларини даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғри-сидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги бўйруғини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги бўйруғи.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2400-1 (2018 йил 18 мартдан қучга кирди).

14. Ўзбекистон Республикаси Мактабга-ча таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирли-ги, Молия вазирлигининг 2018 йил 7 март-даги 6, 44, 57-сон “Мактабгача таълим муассасаларини меъбелъ, ўқув кўргазмал-и қуроллар, техник-воситалар, ўйинчоқлар, спорт анжомлари ва бошқа ашёлар билан жиҳозлаш меъёrlарини тасдиқлаш тўғриси-да”ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2400-1 (2018 йил 18 мартдан қучга кирди).

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2018 йил 1 мартдаги 44, 8, 2018-2-сон “Бюджет ташкилотларининг асосий восита-ларининг эскиришини аниқлаш ва бухгалтер-ия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғриси-даги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2538-1 (2018 йил 18 мартдан қучга кирди).

12. Ўзбекистон Республикаси молия вази-рининг 2018 йил 1 мартдаги 45-сон “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномага ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги бўйруғи.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2169-2 (2018 йил 18 мартдан қучга кирди).

13. Ўзбекистон Республикаси молия вази-рининг 2018 йил 1 мартдаги 46-сон “Бюджет ташкилотларини даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғри-сидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги бўйруғини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги бўйруғи.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2400-1 (2018 йил 18 мартдан қучга кирди).

14. Ўзбекистон Республикаси Мактабга-ча таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирли-ги, Молия вазирлигининг 2018 йил 7 март-даги 6, 44, 57-сон “Мактабгача таълим муассасаларини меъбелъ, ўқув кўргазмал-и қуроллар, техник-воситалар, ўйинчоқлар, спорт анжомлари ва бошқа ашёлар билан жиҳозлаш меъёrlарини тасдиқлаш тўғриси-да”ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2400-1 (2018 йил 18 мартдан қучга кирди).

ўтказилди, рўйхат рақами 2753-1 (2018 йил 18 мартдан қучга кирди).

15. Ўзбекистон Республикаси Мактабга-ча таълим вазирлиги, Ўзбекистон стандарт-лаштириш, метрология ва сертификатлаш-тириш агентлиги, Солиқни сақлаш вазирли-ги, Молия вазирлигининг 2018 йил 7 март-даги 7, Қ-6, 14, 58-сон “Мактабгача таълим муассасаларини ўйинлар, ўйинчоқлар, меъбелъ, жиҳозлар ва бошқа техник восита-лар билан жиҳозлаш меъёrlарини тасдиқ-лаш тўғрисида”ги қарори.

2018 йил 17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2986 (2018 йил 18 мартдан қучга кирди).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг “Корхона (объект)ларни сотишдан олдин тайёрлаш тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 1628, 2006 йил 14 октябрь), шунингдек унга ўзгаришлар (рўйхат рақами 1628-1, 2015 йил 29 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 17 март-даги 165-мх-сон бўйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг “Ўзбекистон Республикасининг Мулкни баҳолаш миллий стандарти (12-сон МБМС) “Солиқ солиш мақсадида ялли баҳолаш усул-лари билан кўмас мулк қийматини баҳо-лаш”ни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 2359, 2012 йил 8 май), шунингдек унга ўзгаришлар ва қўшимчалар (рўйхат рақами 2359-1, 2016 йил 1 июнь).

Адлия вазирининг 2018 йил 17 март-даги 166-мх-сон бўйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Немис молия институтларининг тижо-

рат ва нотижорат кредитлари бўйича қарз маблағларини ажратиш, хизмат кўрсатиш ва қайтариш тартиби (рўйхат рақами 226, 1996 йил 31 январь).

Адлия вазирининг 2018 йил 17 март-даги 167-мх-сон бўйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазир-лиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат архи-тектура ва қурилиш қўмитасининг “Бюджет ташкилотларининг асосий воситаларининг эскиришини аниқлаш ва бухгалтерия ҳисо-бида акс эттириш тартиби тўғрисидаги ни-зоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори (рўйхат рақами 2538, 2013 йил 19 декабрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 17 март-даги 172-мх-сон бўйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси молия вази-рининг “Бюджет ташкилотлари даромадлари ва харажатларининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги бўйруғи (рўйхат рақами 2400, 2012 йил 13 ноябрь).

Адлия вазирининг 2018 йил 17 март-даги 175-мх-сон бўйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Маъжур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгаришчи киритилиши ва ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

МАДАНИЯТ хабарлари

«Шарқ атиргули» фестивали бу йил халқро микёсда ўтади

Пойтахтимизда ташкил этилган анжуманда шу ҳақда маълумот берилди.

Ўзбекистон Маданият вазирлиги тасарруфидаги “Шарқ атиргули” болалар ижод уйи ҳамда қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ўтказиладиган фестивалда Қозоғистон, Россия, Туркия, Болгария, Чехия, Франция каби давлатлардан мингга яқин ёшлар вокал, хорео-графия, аънавий эстрада ижрочилиги йўналишлари бўйича ўз маҳоратларини намойиш этиши кутил-моқда. Фолибар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Фестиваль шу йилнинг 2 — 7 май кунлари ўткази-лади. Унинг доирасида иш-тироқчилар юртимизнинг тарихий шаҳарларига ҳам саёҳат қилиши режа-лаштирилган.

Ёшларни юксак марраларга руҳлантирган ҳафталик

Тошкент халқро Вестминстер университетида аънавий маданият ҳафталиги ўтказилди.

Олтинчи маротаба таш-кил этилган маъзур тадбир-да ўнга яқин хорижий дав-латларнинг маданият мар-казлари ва элчихоналари вакиллари, юртимиз санъат-корлари, университет про-фессор-ўқитувчи ҳамда талабалари қатнашди.

Ҳафталики ўтказишдан мақсад талабаларни миллий маданиятимиз ва санъати-мизга янада қизиқтириш, халқимизнинг урф-одат ҳамда аъаналари билан яқиндан таништиришдан иборат.

Модалар намойиши, “За-коват” интеллектуал ўйини, “Маданиятлар” ярмаркаси, “Қувноқлар ва зукколар” беллашуви, “Марафон” му-собақаларида ёшлар фаол иштирок этиб, ўз иктидор ҳамда салоҳиятларини на-мойиш қилишди. Чунончи, мода ва дизайнга қизиқув-чилар учун уюштирилган “Podium shou” айниқса, қизикarli кечди. Унда уни-верситетнинг ёш дизайнер-лари билан бир қаторда, пойтахтимиздаги номдор модалар уйи ўз галереяла-рини тақдим этди.

— Мамлакатимизда биз, ёшларнинг ҳар томонлама камолга етишимиз учун бар-ча шaroит яратилганига ушбу ҳафталик давомида яна бир бор амин бўлдик, — дейди университет тала-баси Малика Мирзаева. — Модалар намойишида замо-навий дизайнга эга ва айни пайтда шарқона нақшлар билан безатилган либослар туркуми билан қатнашдим. Ишларини соҳа мутахас-сислари юқори баҳолади. Бу каби тадбирлар бизни юксак марралар сари руҳлантира-ди, ўз устимизда ишлашга, билимларимизни янада бойитишга ундайди.

Ҳафталик сўнгида ишти-роқчилар муносиб тақдир-ланди.

Хушмаджон
Аҳмаджонов.

Оламни асранг, дўстлар!

Ўзбекистон Бадий академияси Тошкент фотосуратлар уйида “Ерни асранг!” деб номланган кўргазма ташкил этилди.

Унда пойтахтимизнинг Яқкасарой тумани “Бар-камол авлод” болалар мар-кази ўқувчилари ва тўғарак раҳбарларининг она-табиати-ни асраш, заминимизни ардоқлаш, унинг ҳар қаричидан унумли ва сама-рали фойдаланишга қорлов-чи эзгу гоёларни ўзида муҳассам этган ижодий иш-лари ўрин олган.

Кўргазманинг очилишида марказининг “Тасвирий санъат”, “Майда пластика”, “Мунчоқли безак”, “Бош-лангич техник моделлашти-риш” тўғараклари раҳбар-лари ва ўқувчилари томони-

дан ясалган буюмлар ҳам намойиш этилди. “Рақс” тўғраги ҳамда “Моҳир жонглёрлар ва қувноқ цирк” тўғраги аъзоларининг қиқишлари ййилганларга кўтаринки қайбйит бағишла-ди. Мафтуна Сафавнинг “Гуллар”, Муслима Қобилова-нинг натюрморт, Муқаддас Толипованинг “Қуз” сингари асарлари санъат ихлос-донларида катта таассурот қолдирди.

Тадбирда фаол иштирок-чиларга ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда сертификатлар топширилди.

Моҳиро АДИБОВА.

Хабар

Муносабат

“Дунёдаги барча мамлакатлар, айниқса, қўшни халқлар билан тинчлик-тотувликда, ўзаро иззат-икромда, ҳамкор ва ҳамжиҳатликда яшаш бизнинг асосий мақсадимиздир”. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг бу юсак чорлови ўзининг амалий исботини топмоқда.

Яқинда қозоқ халқининг улуғ мутафаккири Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳақида қарор эълон қилинди. 2018 йил 3 апрелда эса давлатимиз раҳбари томонидан замонамизнинг буюк адиби, ҳаҳон адабиёти тарихининг мумтоз вакиллари қаторидан ўрин олган қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини кенг нишонлашга оид ҳужжат имзоланди. Ҳар икки қарорда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш юзасидан белгиланган чора-тадбирларни бажаришга киришилгани қон-қардош халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши муқаррар.

Буюк адибга эҳтиром

Чингиз Айтматов бизга, ҳаҳоннинг деярли барча халқлари учун бўлганидек, авваламбор, Толстой, Достоевский қаторида турувчи даҳо адиб сифатида қадрли. Айни вақтда у ўзбек халқига ёзувчи деган тушунчани ифодалайдиган маънодан кенгроқ ва чуқурроқ аҳамият касб этадиган улкан ШАХСдир. У доимо Ўзбекистоннинг жонқуяр дўсти бўлиб қолди. Бизга нисбатан ноҳилис, ғаразли фикрлар айтилганда Чингиз Айтматов мардлик билан уларни инкор этди ҳамда халқимиз кўнглида ҳақиқатга ишонч руҳини мустаҳкамлади.

Адиб таваллудининг 90 йиллигини нишонлашга бағишланган қарорда белгиланганидек, мамлакатимиздаги мактаблардан бирини унинг бюсти ўрнатилиши, кундан-кунга яшнаб бораётган Тошкент кўчаларидан бири унинг номи билан аталиши, “Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон” номли мажмуа чоп этилиши, “Чингиз Айтматов ва ўзбек адабиёти” мавзuida илмий анжуман ўтказилиши, асарлари асосида бадиий фильм ва янги сахна асарлари яратилиши Ватанимизнинг улкан ёзувчига, у мансуб қирғиз халқига буюк эҳтирominiнг айрим қирраларидир.

Таржима иши бизда доим диққат марказида бўлиб келган. Лекин шуни ғурур ва фахр билан эътироф эта оламизки, ҳаҳон адабиётдаги бирорта адибнинг ижоди ўзбек тилига Чингиз Айтматов асарларидек кўп таржима қилин-

ган эмас. Унинг деярли барча ижод намуналарини ўз она тилимизда ўқиймиз. Гап фақат таржимадагина эмас. Айтматов XX асрнинг сўнгги чорагидан буён ўзбек халқи

Айтматова”, Суюн Қораевнинг “Чингиз Айтматов. Буюк ёзувчи. Камтарин инсон. Содик дўст” номи салмоқли тадқиқот китоблари; Ф. Саломов, С. Умиров ва бошқа-

Чингиз Айтматов доимо ва мунтазам равишда ўрганилиши, унга мурожаат этилиши зарур бўлган ва ҳар гал ўзимизга ундан янги-янги сабоқлар оладиган буюк шахс ва адибдир.



бадиий тафаккури, бадиий диди шаклланиши ва эврилишида алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистонда Асил Рашидов, Иброҳим Ғафуров, Суюн Қораев ва бошқа таржимонлар меҳнати асосида Чингиз Айтматов асарларини ўзбек тилига ўгириш мактаби шаклланди. Адабиёт илмимизда қодирий-шунослик, ойбекшунослик, қаҳҳоршунослик қаторида айтматовшунослик пайдо бўлди, деб дадил айтиш мумкин. Бунга Асил Рашидов қаламига мансуб, қисқа муддатда икки марта нашр этилган “Чингиз Айтматов олами”, П. Мирзаахмедованин “Национальная эпическая традиция в творчестве Чингиза

ларнинг ўнлаб мақолалари далил бўла олади.

Адиб ижодини ўрганиш Ўзбекистондаги таълим муассасалари дастурига киритилган.

Жаҳондаги таниқли адабиётчиларнинг мақолаларидан ташкил топиб, Москвада чоп этилган “Ковчег Айтматова” номли китобида ўзбек олимаси П. Мирзаахмедова масъул илмий муҳаррир қилиб белгилангани ҳамда тўпламга шу олимпиа ва С. Умировнинг кенг қамровли мақолалари киритилгани ўзбек танқидчиларининг халқаро микёсдаги айтматовшуносликда мустаҳкам ўрни борлигини кўрсатади.

элчи лавозимида ишлаб, бу касбнинг сир-асрорларини чуқур эгаллаганида, бу борада касбдош сифатида Чингиз Айтматовни хизмат юзасидан яқиндан билганида ва у билан мулоқотда бўлганидир.

Таъкидлаш ўринлики, Айтматов ижодига эътибор унинг фақат ўзига бағишланган тадқиқот, мақолалар билангина чегараланмайди. Кейинги, тахминан, ярим аср мобайнида ўзбек насри — роман, қисса, хикоячилиги раванқига бағишланган деярли бирор-бир жиддий тадқиқотимиз йўқки, уларда қўйилаётган муаммолар Чингиз Айтматов ижоди билан муайян даражада ва боғланишда ўрганилмаган бўлсин,

уларда Чингиз Айтматов асарларининг муайян таъсирини аниқлашга ҳаракат қилинмасин.

Чингиз Айтматовнинг ўзбек адабиёти ва адаблари билан яқинлик ришталари маълум даражада ўрганилган. Лекин бу масала янада чуқур ва атрофлича ўрганилиши зарур.

У, бошқа кўплаб қардош улкан санъаткорлар қатори Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳорни ўзига устоз деб билар, Одил Ёқубов ва Пиримқул Қодиров билан тенгқур, дўст, ҳамкор ҳамда ҳамнафас эди. Шукур Холмирзаев, Абдулла Орипов, Ўткир Хошимов, Рауф Парфи каби шоир ва ёзувчиларимиз уни устоз деб бошга қутарар эдилар.

Чингиз Айтматовнинг ўзбек ёзувчилари ижодига бевосита ҳамда билвосита кўрсатган ва кўрсатиб келаётган таъсирига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. “Улуғ салтанат” (Мухаммад Али) тетралогиясидаги Амир Темурнинг Хонўлгон лақабли аргумоги тасвирида Чингиз Айтматовдаги Тошчайнар, Акбара, Гулсариларни тасвирлаш принципи таъсирини сезмаслик мумкин эмас.

Қирғиз адабининг сўнгги асарларидан бири “Кассандра тамғаси”даги бош қаҳрамон Филофей, профессор Андрей Андреевич Криловнинг дарбадарлик табиати ва дунёқарашдаги тизим бадииятини тасвирлаш лузумлари Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романидаги етакчи қаҳрамонни тасвирлашда “чиқиш нуқтаси” бўлган деб ўйлайман.

Чингиз Айтматов биз учун ниҳоятда қадрли ва сеvimли. Лекин бу — мазкур шахсни аъло даражада биламиз дегани эмас. Чингиз Айтматов доимо ва мунтазам равишда ўрганилиши, унга мурожаат этилиши зарур бўлган, ҳар гал ўзимизга ундан янги-янги сабоқлар оладиган буюк шахс ва адибдир.

Чингиз Айтматов таваллудининг 90 йиллигини нишонлашга оид қарорда белгиланган чора-тадбирлар ва уларнинг амалга оширилиши ўзбек ҳамда қирғиз халқлари биродарлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши билан бир қаторда, Чингиз Айтматовдек буюк шахс ва ижодкор дунёсига чуқурроқ кириб боришга туртки беради.

Бахтиёр НАЗАРОВ,
академик.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган ранг-баранг мавзулардаги китоблар кичик ва катта ёшдаги китобхонларни бирдек манзур қилиши, шубҳасиз. Қўйида уларнинг айримлари билан қисқача таништирамиз.



“Икки қалб туғёни”

Бу тўплам ўзбек адабиётининг икки улуғ вакили Ҳамид Олимжон ва Зулфиянинг шеърят ихлосмандлари кўнглидан чуқур жой олган шеърларидан саралаб тузилди.

“Люсьен Керен — темуршунос олим”

Академик Акмал Саидовнинг мазкур илмий-публицистик китобида ярим асрдан ортқ умирини темурийлар даври тарихини ўрганишга бағишлаган, Амир Темур ҳақидаги йирик илмий тадқиқотлар олиб борган француз олими, “Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари” уюшмаси асосчиси Люсьен Керен ҳаёти ва ижоди ҳақида сўз юритилади. Китобдан, шунингдек, француз олимнинг илмий фаолиятидан намуналар, “Буюк Темур” пьесаси ҳам ўрин олган.

“Ўзбек болалар адиблари”

Бу плакатлар тўпламидан ўзбек болалар адабиётининг забардаст вакиллари Қуддус Мухаммадий, Гўлат Мўмин, Қудрат Ҳикмат, Худойберди Тўхтабоев, Носир Фозилов, Сафар Барноев, Анвар Обиджон ва Турсунбой Адашбоев портретлари жой олди.

“Қадр кечаси”

Таниқли шоир Абдулмажид Азимнинг “Қадр кечаси” деб номланган тўплами нашр қилинди. Ундан она-юрт, инсонийлик, муҳаббат ҳақидаги шеърлар ўрин олган.

“Тилга кирган балиқ”

“Ҳаҳон халқлари эртаклари” туркумида чоп этилган бу китоб арман халқ эртакларидан иборат. Ўзига хос қутилмаган воқеаларга бойлиги тўғрисида тилдан-тилга ўтиб келган мазкур халқ ижодиёти ҳажми китобхонларда катта қизиқиш уйғотади.

Назозат ҚУНДУЗОВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

2-xalqaro ko'rgazma

O'zbekiston sanoat infratuzilmasi — Samarqand

Industrial Infrastructure Uzbekistan — Samarkand

O'z biznesingizni viloyatlarda rivojlantiring!

INDUSTRIAL INFRASTRUCTURE UZBEKISTAN SAMARQAND

ONLINE ro'yxatdan o'ting

2018 YIL 23 — 25 MAY

Samarqand shahri, «Sadaf» tantanalar zali.

Kongress servis

Tel.: (+998 71) 205-14-14. Faks: 237-15-54.

infrastructure@kongress-servis.uz

Toshlovlari: @kongress.servis @kongress_servis

Hamkor toshlovlari: KONGRESS SERVIS

* Dastlabki ikki kun ko'rgazmaga faqat soha mutaxassislari taklif etiladi!

Ma'lumotlar: www.infrastructure.uz

Micros POS-системы / торговое оборудование

POS-СИСТЕМЫ И АВТОМАТИЗАЦИЯ

- ✓ Торговые точки (магазины/супермаркеты)
- ✓ Бутики, непродовольственная розница
- ✓ Рестораны, кафе, бары
- ✓ Фитнес-клубы, бильярдные, боулинги и т. д.

+ ЛИЦЕНЗИОННОЕ ПРОГРАММНОЕ ОБЕСПЕЧЕНИЕ

ATOX, Microinvest, aumida

✓ СВОЕВРЕМЕННАЯ ПОСТАВКА / АВТОМАТИЗАЦИЯ ПОД КЛЮЧ

ЧЕКОВЫЕ ПРИНТЕРЫ

СКАНЕРЫ ШТРИХ-КОДОВ

ДИСПЛЕИ ПОКУПАТЕЛЯ

POS-ТЕРМИНАЛЫ И МОНОБЛОКИ

ВЕСЫ С ЧЕКОПЕЧАТЬЮ

(+99871) 200-34-34 (доп. 18)

www.micros.uz

scales@micros.uz

info@micros.uz

Товар сертифицирован. Услуги лицензированы.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Беларусь Республикаси

Расмий дистрибьютор Тошкентдаги омбордан таклиф этади.

Тел.: (+998 93) 555-00-95, (+998 93) 555-12-88, (0-371) 291-68-94.

www.maz.by

E-mail: maztashkent@mail.ru

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИКАРУВЧИ қўйидаги маҳсулотларни такдим этади:

гальванизацияланган ва полимер қопламали

ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ 0,7 мм. — 61 800 сўм / п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

- RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм / п.м.
- RAL 6005 0,45 мм. — 48 600 сўм / п.м.
- RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм / п.м.
- RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм / п.м.

Қўшимча маълумот учун қўйидаги телефон рақами бўйича мурожаат қилинг: **(+ 998 95) 197-00-93**

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 545. 112 896 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўқонлар (0-371) 232-11-15.

Тахриратта келган қўёмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзаси берилиши учун обунини расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахрират компьютер терминал ҳамда оператор Ж. Тоғас томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**

100000, Тошкент шаҳри, Матбўтчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.

Навбатчи — М. Холматова.

Мусахҳас — С. Исломов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ўза якуни — 22.25 Топширилди — 23.25 1 2 3 4 5 6